HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

# TOSHKENT HAQIQATI

VILOYAT IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

2021-yil **11-avgust**
CHORSHANBA
**№ 61** (13414)

www.thtp.uz

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

## Yangi O`ZBEKISTONDA erkin va farovon yashaylik!

30

*Куни кеча Токио шаҳрида ўтказилган XXXII ёзги Олимпиа ўйинларида қатнашган спортчиларимиз юртимизга қайтишди. Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида ушбу нуфузли мусобақа ғолиблари, совриндорлари ва иштирокчилари тантанали кутиб олинди.*



# ВАТАННИНГ ТЎЙИГА БАҒИШЛАБ ШОННИ, БОШДА КЎТАРДИНГИЗ ЎЗБЕКИСТОННИ!

Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари, шоир ҳамда ёзувчилар, маданият ва санъат соҳаси намояндалари, спортчилар, олимпиадачиларнинг ота-оналари ва яқинлари, дўстлари, спортсевар мухлислар, журналистлар жам бўлишди.

Соат миллари 21:00 ни кўрсатади. Ғолиб спортчиларимизни Токиодан олиб келган махсус авиалайнер Тошкентга қўнгани эълон қилинади. Диллар шодликдан ҳаприқади. Токио спорт майдонларида юртни шарафлаган спортчиларимиз давлатимиз байроғини баланд кўтарган ҳолда она Ватан заминига қадам қўяди. Карнай-сурнай садолари янграйди. Токио олимпиадаси қаҳрамонлари – Баҳодир Жалолов, Акбаржон Жўраев, Улуғбек Рашитов, Давлат Бобонов, Бекзод Абдураҳмонов ва бошқа жамоа аъзоларига анвойи гуллар тақдим этилади...

Тошкент аэропортининг кенг майдонида ташкиллаштирилган маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева, Ўзбекистон халқ шоири М. Тоир, Ўзбекистон халқ артисти Ё. Саъдиев, 32-олимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари, уларнинг оналари ёш авлодни интеллектуал салоҳиятли инсонлар қилиб камолга етказиш, иқтидорини намоён этиши учун давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитлар натижасида қўлга киритилаётган ютуқлар, хусусан, дунёдаги мураккаб эпидемиологик вазиятга қарамасдан Токио олимпиадасида спортчиларимизнинг матонат кўрсатганликларини алоҳида таъкидлашди.

4

**Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида Пискент туманидаги “Тошкент денгизи оромгоҳида” вилоятимизнинг корхона ва ташкилотларида самарали фаолият кўрсатиб, турли соҳалар ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, иқтидорли спортчилар, ташаббускор ўқувчи-талабалар иштирокида “Уч авлод учрашуви” бўлиб утди.**

# УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ



Тадбирда сўз олган вилоят ҳокими Даврон Ҳидоятов барчани яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрам билан самимий муборакбод этиб, эришилган ютуқларда фахрийлар ва устозларнинг ҳиссаси катта эканини таъкидлади.

– Бугунги уч авлод учрашуви тимсолида тарихга назар соламиз, – дейди вилоят раҳбари. – Ҳозирги фаровон кунларимиз учун кеча матонат кўрсатганларни эъзозлаймиз, уларнинг фидокорона меҳнатларини унутмаймиз. Зеро, бу барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Тадбирда Халқлар дўстлиги куни муносабати билан Президентимизнинг фармонига мувофиқ “Дўстлик” ордени билан тақдирланган “Максам-Чирчиқ” акциядорлик жамиятининг Маданият саройи директори ўринбосари Людмила Филипповага давлат мукофоти тантанали равишда топширилди.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва фахрийлар йиғилганларга илиқ тилакларини билдиришди.

Кўтаринки кайфиятда ўтган тадбирда фахрийлар самимий гурунглашишди, ёшлар эса мотивация олишди.

– Учрашувга таклиф қилишганидан жуда хурсанд бўлдим, – дейди Токио-2020 Олимпиадаси қатнашчиси Турсуной Раҳимова. – Олимпиадада совринли ўрин эгалламаган бўлсамда, менга шунча эътибор қаратишаётганидан фахрландим. Бундай қўллаб-қувватланишдан руҳланиб, келгуси мусобақаларга янада пухта тайёрланишни мақсад қилдим.

Самимий руҳда ўтган ушрашувга эл ардоғидаги санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар янада файз киритди.

Тадбир якунида қатнашчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Камолиддин РЎЗИМАТОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/**
*Аброр ЭСОНОВ ва Нозимжон ИСМОИЛОВ олган суратлар*



Бизнинг суҳбат




**Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимизда давлат тили мавқеини тўлақонли мустаҳкамлаш, тил сиёсатини такомиллаштириш, давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини тубдан ошириш ҳамда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтиш мақсадида кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.**

# ВАҚТНИ БОЙ БЕРМАЙЛИК

## ёхуд вилоятда давлат тилига эътибор қандай?




Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, 2020–2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва 2020–2022 йилларда амалга ошириш дастури тасдиқланди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 февралдаги “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, мамлакатимизда 2023 йил 1 январга қадар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Бунёдкорлик

**Вилоят ҳокими Даврон Ҳидоятов Қурилиш соҳаси ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ соҳа мутахассисларини табриклади.**

**Тадбирда вилоят қурилиш бошқармаси ходимлари, соҳага ихтисослашган корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.**



# ОБОД МАНЗИЛЛАР, шод кўнгиллар





Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Тошкент вилоятида амалга оширилаётган изчил бунёдкорлик ишлари туфайли ҳудудлар қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолига янада қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Туман-шаҳарлар ҳам кенг кўламли бунёдкорлик майдонига айланиб, ҳудудлар кўркига кўрк қўшаётган замонавий тураржойлар, ижтимоий соҳа объектлари бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда.

2

# Келажак ўз лидерларини кутади



**Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Тошкент вилоятида ҳам «Келажак лидерлари» клуби фаолияти йўлга қўйилмоқда.**

Вилоят ҳокими қарори асосида, ёшларни жараёнга кенг жалб қилиш, аъзоларини саралаб олиш мақсадида 4 босқичли танлов ўтказилди.

Очиқ ва шаффоф тарзда ўтказилган мазкур танловда 20 ёшга кирган ва 35 ёшдан ошмаган давлат фуқаролик хизматчилари, талабалар иштирок этишди.

Тақдим этилган 400 нафардан ортиқ ҳужжатлар орасидан муносиб кўрилган ёшларнинг 50 нафари саралаб олинди.

– Ушбу клубни ташкил қилишдан мақсад, ёшлар орасидан фаол ва ташаббускор, креатив ва теран фикрлайдиган ёшлар қатламини аниқлаш, давлат фуқаролик хизмати учун янги авлод кадрларини шакллантириш ва раҳбарлик лавозимларига тавсия этишдир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Тошкент вилояти филиали инспектори Элдор Исаев.

# ОБОД МАНЗИЛЛАР, шод кўнгиллар



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Бу бунёдкорликларнинг замирида қурувчиларнинг залворли меҳнати бор, албатта.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 3,9 триллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 117,2 фоизни ташкил этгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Вилоят бўйича давлат дастурлари доирасида жами 330 та ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектида қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Президентимизнинг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан, “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси вилоят филиали томонидан 1 минг 646, тадбиркорлар томонидан 5 минг 26 хонадонли жами 150 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши жадал давом этаяпти.

Бундан ташқари, Нурафшон шаҳрида Президент мактаби, Тошкент Давлат ахборот технологиялари институти филиали, вилоят прокуратураси, Ички ишлар бошқармаси, вилоят суди маъмурий бинолари, Зулфия боғи, мактабгача таълим муассасаси, кутубхона, кўп қаватли уйлар қурилмоқда.

Тадбирда вилоят раҳбари соҳа ходимларига эсдалик совғалари топширди.

**2021 йил Инвестиция дастури, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларини қуриш ва таъмирлаш бўйича 63 та мактабгача таълим муассасасида 13,8 миллиард, 68 та мактабда 23,2 миллиард, 12 та соғлиқни сақлаш объектида 17,3 миллиард, 13 та ичимлик ва оқова сув тармоғида 15,8 миллиард ва 57 та автомобиль йўллари жабҳасида 93,3 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ

24 ОКТЯБРЬ 2021 ЙИЛ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

# Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 9, 14 ва 16-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

**1-Қорақалпоғистон сайлов округи**

**Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил** – Ёшлар маркази биноси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, 23-уй.

**Сайловчилар сони** – 1 158 966 нафар.

**Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.**

**2-Андижон сайлов округи**

**Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил** – Ёшлар маркази биноси, Андижон шаҳри, Чўлпон шоҳкўчаси, 187-уй.

**Сайловчилар сони** – 1 966 648 нафар.

**Андижон вилояти чегараси доирасида.**

**3-Бухоро сайлов округи**

**Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил** – Ёшлар маркази биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 10-уй.

**Сайловчилар сони** – 1 225 991 нафар.

**Бухоро вилояти чегараси доирасида.**

**4-Жиззах сайлов округи**

**Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил** – Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Жиззах вилояти Кенгаши биноси, Жиззах шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 169-уй.

**Сайловчилар сони** – 822 745 нафар.

**Жиззах вилояти чегараси доирасида.**

**5-Навоий сайлов округи**

**Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил** – Ёшлар маркази биноси, Навоий шаҳри, Меъморлар кўчаси, 8-даҳа.

**Сайловчилар сони** – 663 785 нафар.

**Навоий вилояти чегараси доирасида.**

**6-Наманган сайлов округи**

**Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил** – Наманган вилояти Маданият маркази биноси, Наманган шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 5-уй.

**Сайловчилар сони** – 1 761 586 нафар.

**Наманган вилояти чегараси доирасида.**

**7-Самарқанд сайлов округи**

**Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил** – Ёшлар маркази биноси, Самарқанд шаҳри, Абдураҳмон Жомий кўчаси, 63-уй.

**Сайловчилар сони** – 2 376 413 нафар.

**Самарқанд вилояти чегараси доирасида.**

**8-Сирдарё сайлов округи**

**Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил** – Товар-хом ашё биржаси вилоят филиалининг маъмурий биноси, Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 30-уй.

**Сайловчилар сони** – 525 947 нафар.

**Сирдарё вилояти чегараси доирасида.**

**9-Сурхондарё сайлов округи**

**Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил** – Термиз давлат университети Ахборот-ресурс маркази биноси, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 42-уй.

**Сайловчилар сони** – 1 592 259 нафар.

**Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.**

**10-Тошкент вилояти сайлов округи**

**Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил** – “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг “Тошкенттелеком” Тошкент вилояти филиали биноси, Нурафшон шаҳри, Бобур кўчаси, 1-уй.

**Сайловчилар сони** – 1 877 107 нафар.

**Тошкент вилояти чегараси доирасида.**

**11-Фарғона сайлов округи**

**Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил** – Ёшлар ишлари агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси биноси, Фарғона шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 27-уй.

**Сайловчилар сони** – 2 394 633 нафар.

**Фарғона вилояти чегараси доирасида.**

**12-Хоразм сайлов округи**

**Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил** – Ёшлар маркази биноси, Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 59/1-уй.

**Сайловчилар сони** – 1 228 943 нафар.

**Хоразм вилояти чегараси доирасида.**

**13-Қашқадарё сайлов округи**

**Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил** – “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти биноси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй.

**Сайловчилар сони** – 2 008 384 нафар.

**Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.**

**14-Тошкент шаҳар сайлов округи**

**Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил** – Маҳалла ва оила илмий-тадқиқот институти биноси, Мирзо Улуғбек тумани, Исмоилий кўчаси, 1-“Г” уй.

**Сайловчилар сони** – 1 662 604 нафар.

**Тошкент шаҳри чегараси доирасида.**

2. Сайлов округлари кесимида кўрсатилган сайловчилар сони 2021 йил 9 август ҳолатига Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимидан олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Раис З. НИЗАМХОДЖАЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2021 йил 9 август*

**Дарвоқе**

**Янги 2021-2022 ўқув йили яқинлашгани сари ота-оналардан унинг қандай шаклда бўлиши борасида кўплаб саволлар тушмоқда, баҳс-мунозаралар бўлмоқда.**

# ДАРСЛАР ГИБРИД ШАКЛИДА БЎЛАДИ(МИ?)

Барчага маълумки, бутун дунёдаги каби юртимизда ҳам коронавирусга чалиниш ҳолатлари давом этмоқда. Энг ачинарлиси, ўтган йилдагига нисбатан мактаб ёшидаги болалар орасида ҳам касаллик тарқалиши ҳолатлари кўпайгани кузатилмоқда.

Шу боис, Халқ таълими вазирлиги янги 2021-2022 ўқув йилида мактабларда дарс жараёнини гибрид шаклда давом эттиришга тайёргарлик кўрилаётганини маълум қилади. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган брифингда Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Лайло Рустамова хабар қилди.

Шунингдек, мактабда юзага келадиган вазиятга қараб, Санитария-эпидемиология назорати марказлари таклифига асосан, маҳаллий Кенгашлар қарорларига кўра, айрим мактаблар карантинга ёпилиб, масофавий тизимга ўтказилиши мумкин.

Бундай ҳолатларда ўқувчилар таълимни вақтинча масофавий шаклда уйдан давом эттиради. Ўқувчининг масофадан таълим олишига имконият яратиш мақсадида Миллий телерадиокомпаниянинг телеканаллари орқали “Онлайн мактаб” лойиҳаси доирасида эфирга узатилаётган дарслар давом эттирилади.

– Шу ўринда Халқ таълими вазирлиги анъанавий таълимнинг тўлиқ тикланиши учун барча тизим ходимлари тезроқ вакцина олишини сўраб қолади. Ҳеч қандай энг замонавий масофавий таълим тизими ҳам бевосита мактабдаги таълим ўрнини боса олмайди, – дейди Лайло Рустамова.



# Маҳалламиз чеварлари

*Бўка туманидаги “Хўжақўрғон” маҳалласида 4 минг 654 аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада бандлик масаласи алоҳида эътиборда.*

– Ҳудудимизда иш фаолиятини бошлаган «БЎКА MEGA LUX» масъулияти чекланган жамиятининг тикув цехида 60 нафардан зиёд хотин-қиз чеварчилик қилмоқда, – дейди маҳалла раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Дилбар Саидова. – Эътиборлиси, дафтарларга киритилган аёлларимиз қайта касбга ўқитилгач, доимий иш билан таъминланиб, рўйхатдан чиқарилмоқда.

**Суратда:** *тикувчи Олима Исмоилова иш жараёнида.*

*Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат*

## Вилоят бўйлаб




**ҚИБРАЙ туманининг** "Дархон" маҳалласида "ЛУКОЙЛ Ўзбекистон Оперетинг Компани” масъулияти чекланган жамиятининг беғараз ҳомийлигида 150 нафар имконияти чекланган болаларга мўлжалланган янги мактабгача таълим ташкилоти ва “Имкон” номли реабилитация маркази қурилмоқда.

Вилоят ҳокими ўринбосари З. Миргазиева ва вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи С. Баратовалар туман мутасаддилари ҳамроҳлигида реабилитация марказидаги якуний таъмирлаш ишларини кўздан кечиришди.




**ЗАНГИОТА туманидаги** жазони ижро этиш муассасаларидаги маҳкум ва маҳкумаларнинг 376 нафарига ID карталари топширилди.

**АНГРЕН шаҳар** Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий бўлимида "Ёшлар кундалиги" мониторинг гуруҳи аъзолари йигит-қизларнинг муаммоларини ўрганмоқда. Шаҳар ҳокими Шукурулла Маҳмудов кредит, бандлик масалалари юзасидан тушган мурожаатларни муҳокама қилди.

**ҚУЙИ ЧИРЧИҚ тумани** ҳокимлиги томонидан “Қурилиш соҳаси ходимлари куни” муносабати билан бир гуруҳ фидойи қурувчиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

# ВАҚТНИ БОЙ БЕРМАЙЛИК

## ёхуд вилоятда давлат тилига эътибор қандай?

Юқоридаги ҳужжатларда белгиланган вазифа ва топшириқларнинг вилоятимиздаги ижроси юзасидан вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Сарвар Файзуллаев билан суҳбатлашдик.

**– Сарвар Сайёрпўлатович, вилоятимиздаги идора ва ташкилотларда лотин ёзувига асосланган ўзбек тилига ўтиш жараёни қандай кечмоқда?**

– Ўтган давр мобайнида вилоят ҳокимлиги ва вилоят бошқармаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика, молия ҳужжатлари, ишга доир матнлар тўлиқ давлат тилида амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг январь ойидан бошлаб барча шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ва маҳаллий Кенгашларнинг янги намунадаги лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги расмий иш ҳужжатлари (бланкалари) тасдиқланди. Шунингдек, вилоят ишчи гуруҳи томонидан 2021 йилнинг I чорагида 8 та бошқарма, 11 та шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда ишчи гуруҳлари томонидан 62 та корхона-ташкилотларда давлат тилига оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши масалалари танқидий ўрганилди.

Жараёнда сўнгги 6 ойда вилоятимизнинг барча ҳудудларида фуқароларга 100 га яқин давлат тилига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳия-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ти тушунтирилиб, тарғибот тадбирлари олиб борилди. Давлат тилига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши вилоят фаоллари билан ўтказиладиган “Ҳокимлик соати” йиғилишларида муҳокама қилинди.

**– Раҳбар кадрлар ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахсларнинг давлат тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилди?**

– Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази вилоят ҳудудий бўлинмаси томонидан ҳудуддаги ташкилот-муассасалар ҳамда туман-шаҳар ҳокимликлари тақдим этган рўйхат асосида раҳбар ва ходимларнинг “Ўзбек адабий тили меъёрлари ва давлат тилида иш юритиш” курсида малака ошириш режаси ишлаб чиқилди. Режага мувофиқ, йил давомида турли муассаса, бошқарма, ташкилот ва бирлашмалар ходимларидан 720 нафари малака ошириши белгиланган. Жорий йилнинг I чорагида 210 нафар ходим масофавий таълим олди. Шунингдек, ташкил этилган сайёр машғулотларда 142 нафар раҳбар-ходим анъанавий шаклда малака оширди. Шу билан бирга “Росавиа” ҚК ва Чирчиқ авиатаъмир заводининг 15 нафар ходими 3 ойлик “Ўзбек тили” курсида таҳсил олди. Бундан ташқари, декабрдан то май ойига қадар 200 нафардан ортиқ фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат тилини билиш даражасини аниқлаш мақсадида имтиҳондан ўтказилиб, сертификат берилди.

**– Кўчаларда, жамоат жойларида ўрнатилган ташқи реклама воситаларида ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган талабларга зид равишда ёзилган матнларга тез-тез кўзимиз тушади...**

– Дарҳақиқат, бу муаммони бартараф этиш қийин кечмоқда. Хабарингиз бор, Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида барча шаҳар-туманларда ҳокимларнинг мажбурий тусга эга бўлган қарорлари қабул қилинган. Бунда, ташқи реклама бозорини тартибга солиш мақсадида “Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) хатловдан ўтказиш бўйича махсус ишчи гуруҳ” тузилди. Ишчи гуруҳ таркибига 21 нафар ваколатли органлар ходимлари киритилиб, уларга ҳудуддаги барча турдаги ташқи ёзувларни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган. Ҳафтада 2-3 кун режа асосида ҳудудларда рейдлар ташкил этилиб, аниқланган ҳолатларни бартараф этиш бўйича фуқаро ва тадбиркорларга тушунтириш ва тавсиялар берилади, зарур ҳолларда расмий огоҳлантирилади.

Жорий йилнинг I ярим йиллигида вилоят бўйича ишчи гуруҳ томонидан 2 минг 832 та ўзгартирилиши лозим бўлган ёзувлар аниқланиб, 1 минг 960 таси бартараф этилди. Жумладан, 986 та ҳолатда хорижий тилда ва 835 та ҳолатда хато ёзилган ташқи ёзувлар ўзгартирилди.

Бундан ташқари, реклама берувчи, тайёрловчи ва тарқатувчи фуқаролар ҳамда тадбиркорлар келгусида ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилиши юзасидан ёзма ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали огоҳлантирилмоқда.

**– Баъзи ҳолларда географик объектларнинг номлари давлат реестри маълумотлар базасида йўқлиги турли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Мазкур масала қандай йўл билан ҳал қилинади?**

– Бугунги кунда Тошкент вилоятида 18 мингдан ортиқ географик объектлар (маҳалла, даҳа, кўча, боғ, хиёбон, кон, қабристон ва бошқалар) мавжуд. Уларнинг атиги 40 фоизи Географик объектларнинг номлари давлат реестри маълумотлар базасига киритилган эди.

Биринчи босқичда, барча шаҳар ва туманлар ҳокимликлари негизидаги Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссияси Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар билан биргаликда мингдан ортиқ аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари (маҳалла, кўча ва бошқа) номлари қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилди ва давлат реестрига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига юборилди.

Иккинчи босқичда амалдаги қонун талабларига жавоб бермайдиган ва бир ҳудуд доирасида такрорланадиган географик объектлар номлари қайтадан кўриб чиқилмоқда.

Умуман, олдимизга қўйилган барча вазифаларни қатъият билан амалга оширишга бор куч ҳамда имкониятларни сафарбар этмоқдамиз.

**Мафтуна АБДУШУКУРОВА /Тошкент ҳақиқати/ суҳбатлашди**

Танлов

# МЕҲРИБОН, ОҚИЛАЛАР – ИЖТИМОИЙ ХОДИМАЛАР



**Янгийўл туманида “Йилнинг энг яхши ижтимоий ходими” кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.**

**Мазкур танлов давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 20 июндаги “Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан ҳар икки йилда бир марта ўтказилади.**

Ҳозир вилоят бўйича 1 минг 562 нафар ўзгалар парваришига муҳтож якка-ёлғиз яшовчилар рўйхатга олинган. Улардан 439 нафари давлатимиз томонидан 19 турдаги озиқ-овқат ва гигиеник товарлар билан ойма ой бепул таъминланиб келинади. Вилоят бўйича бу тоифадаги инсонларнинг 199 нафарига уйида тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатилади. Жорий йил Республика тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тасарруфидаги санаторийларда 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларининг 88 нафари, ёшга доир ва ногиронлиги бор шахсларнинг 1 минг 818 нафари бепул соғломлаштирилди.

Мазкур кўрик-танловдан кўзланган мақсад ижтимоий ходимларнинг билим даражасини баҳолаш, улар ўртасида ўзаро маданий-дўстлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ижтимоий фаолиятида тажриба алмашишдан иборат. Унда туман-шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 8 нафар иштирокчи учта шарт бўйича ўзининг билими, кўникма ва маҳоратларини синовдан ўтказди.

Якуний натижаларга кўра, Паркент тумани тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими ижтимоий ходимаси Матлуба Шамшиева ғолиб бўлди ва республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Шунингдек, ижтимоий ходималар орасида Янгийўл туманидан Манзура Ҳасанова ва Ангрен шаҳридан Қумри Эсановалар иккинчи ва учинчи ўринни эгалладилар.

Ғолиб ва совриндорлар вилоят тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаси томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Камолиддин РЎЗИМАТОВ,**
**/Тошкент ҳақиқати/**
*Аброр ЭСОНОВ олган суратлар*






# ЭМЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**2021 йил 8 август ҳолатига вилоятнинг шаҳар ва туманларида 639 минг 334 нафар фуқаро коронавирусга қарши тўлиқ эмланди. Шу кунга қадар, 815 минг 632 доза вакцина қўлланилди.**

Эмлаш бўйича юқори кўрсаткичлар Бекобод (52,2 фоиз), Оҳангарон (49,4 фоиз) шаҳарлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Шунингдек, кечанинг ўзида биргина Тошкент туманида 4 минг 332 нафар фуқаро эмланди. Бу вилоятдаги энг юқори кунлик кўрсаткичдир.

Маълумот ўрнида вилоятда коронавирус билан касалланганлар сони 23 минг 190 нафарни, соғайганлар 21 минг 907, вафот этганлар 230 нафарни ташкил этмоқда. Ҳозирги кунда стационар шароитда 587, уй шароитида 466 нафар бемор даволанмоқда.

Кечаги кун ҳолатига кўра вилоятда 97 фуқарода коронавирус инфекцияси аниқланди.



**Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси Ахборот хизмати**

# КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ СПРЕЙ

**Эстониялик олимлар коронавирус инфекциясининг барча штаммларига қарши курашувчи янги бурун спрейи ихтиро қилишди. Бу ҳақда "Интерфакс" хабар бермоқда.**



Қайд этилишича, препарат "Bio Block" деб номланган. Унинг COVID-19 штаммларининг барчасидан ҳимоя қилиши лаборатория синовлари билан тасдиқланган.

Маълумотларга кўра, у Тарту ва Эстония ҳаёт фанлари университети олимлари консорциуми томонидан тайёрланган.

“Янги Bio Block бурун спрейининг ҳали кенг тарқалмаган штаммларга қарши курашиш қобилиятини синаб кўрамиз ва биз вирус ўзгаришини доимий равишда кузатиб борамиз”", деди Исосаген илмий директори Март Чартер.

Олимларнинг таъкидлашича, спрей "британча", "африканча", "бразилча" деб номланган коронавирус штаммларига, шунингдек, "дельта" ва Ухандаги асл штаммларга қарши жуда ҳам самарали натижа кўрсатган. Ҳозирда, Эстония ҳукумати янги спрейни мамлакат ичида сотилишига рухсат берган.

Мавзуга доир

# Навбат – "ковид"дан киберхондриягами?

**COVID-19 туфайли юзага келган хавотирлар ортгани сайин интернетда кундан-кунга касаллик ҳақида маълумот излаш ҳам кўпаймоқда.**

Бироқ интернетдаги саломатлик билан боғлиқ турли маълумотлар бошқа муаммоларга олиб келиши мумкин. Масалан, киберхондрияга. Бу янги касаллик, лекин тез тарқалмоқда. Психиатр доктор Бушра Чубайнинг таъкидлашича, бу касаллик интернет билан боғлиқ бўлгани сабабли, айниқса, ёшлар орасида кўп учрайди.

Шифокорнинг айтишича, коронавирус пандемияси туфайли юзага келган мавҳум хулосалар ва хавотир киберхондрияга олиб келади. Киберхондрия бу ҳаддан зиёд қўрқув, саросимага тушиш касаллигидир. Шуни унутмаслик керакки, нотўғри маълумотлар интернетда осон ва кенг тарқалади. Жисмоний ва руҳий ҳолатлар бўйича кўплаб шикоятлар ҳам интернетдаги турли маълумотларга ишонишдан келиб чиқади. Ҳали руҳий касаллик деб тасдиқланмаган бўлса-да, киберхондрия ақлий ривожланишга таъсир этиши мумкин.

Виртуал оламдаги техник тил, олинган ахборотларнинг сифатсизлиги, салбий маълумотларнинг кўплиги ва фильтрланмаслиги одамларда стрессни кучайтиради.

Доктор Чубай ҳар хил манбаларнинг ёзишига ишонавермаслик ҳақида огоҳлантириб, шундай дейди:

– Интернетдаги ишончли ва ишончсиз ахборотларни ажратиш ҳақиқий дунёдагидан кўра қийинроқ. Аслида интернетдаги маълумот манбаларининг аниқлиги таъминланиши керак. Ўқиганлари тўғри ёки нотўғрилигини билиш учун тиббий маслаҳат керак бўлганда мутахассис шифокорлар томонидан тақдим этилган илмий маълумотлар ва тавсияларни ҳисобга олиш кифоя.

Виртуал қидирув зиддиятли, тушунарсиз ёки нотўғри маълумотларни тақдим этиши мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, одамлар кўпинча ўзларининг соғлиғи билан боғлиқ муаммолар тўғрисида интернетдан олган маълумотларига мувофиқ ҳаракат қилади. Бу эса соғайиш муддатининг чўзилишига олиб келади.

Инсон кўп вақтини интернетдан фойдаланишга бағишлаши билан кундалик ҳаётга эътиборини издан чиқариши мумкин. Доктор Чубай вақти-вақти билан интернетдан танаффус қилишни тавсия этади. Масалан, ҳафтанинг 1 кунини тўлиқ экрансиз ўтказиш ёки ҳафтанинг 3-4 кунида 2-3 соат интернетга кирмаслик мақсадга мувофиқ.

Қулайлик

# МАРКАЗ ХОРИЖЛИКЛАРГА ҲАМ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 мартда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасига хориждан ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомига кўра, хорижлик фуқаролар мамлакатимиз ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқини берадиган тасдиқнома олиши мумкин.**



Бўка тумани Давлат хизматлари марказига “BO`KA FUTBOL KLUBI” хусусий корхонаси хорижлик футбол консультантлари Онкува Жуде ва Асқуо Едем Ифиок учун Республика ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқини берадиган тасдиқнома олиш бўйича мурожаат қилиб, қисқа фурсатда ана шундай ҳужжатга эга бўлишди. Давлат хизматлари маркази томонидан кўрсатилган бундай қулай ва шаффоф хизматдан хорижлик мутахассислар мамнун эканини билдиришди.

Маълумот ўрнида: жорий йил бошидан бери Тошкент вилоятида 193 нафар хорижлик фуқаро юртимизда меҳнат фаолияти ҳуқуқини берадиган тасдиқнома олган. Шунингдек, 101 нафар хорижлик меҳнат фаолияти ҳуқуқини берадиган тасдиқнома муддатини узайтирган.


Эълонлар

**«CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2021 йил 27 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига “Maxam-Chirchiq” акциядорлик жамиятининг 10.08.2021 йилдаги №27-2/14-сонли хатига асосан жамият тасарруфида бўлган Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ўнқўрғон қ.ф.й. манзилида 2,50 Га. ер майдонида жойлашган бино ва иншоотларнинг умумий фойдали майдони 3303,44 кв.м.дан иборат бўлган чорвачилик мажмуаси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 4 648 867 238 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк 2021 йил 27 август куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 13 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита мулк жойлашган манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

Аукцион савдоларида иштирок этувчи талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунларида (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Шунингдек, талабгорлар савдо ташкилотчисини www.capitaltrust.uz. вэб сайти орқали электрон тарзда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртманома беришлари мумкин. Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш куни олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш хамда кўчмас мулкнинг сотув қийматидан 15 фоизи миқдорида ҚҚС тўлаш мажбурияти юклатилади. Ўтказилган аукцион савдоси учун савдо ташкилотчисининг хизмат ҳақи ғолиб харидор томонидан ундирилади.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар «CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ. АТ “Xalqbank” Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими. Ҳ/р: 20208000100757166001. МФО 01132. СТИР 304 802 952.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси 34-уй.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Тошкент кўчаси, 2-уй. “Maxam-Chirchiq” АЖ биноси.

Телефон: +998-71-236-25-53. www.capitaltrust.uz.

**Лицензия RR – 0298.**

Юнусобод туманидаги 260-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2012 йилда Саидахмедова Фотима Саидмурод қизи номига берилган U № 5751205 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон миллий университети томонидан 2011 йилда Ташхужаева (Хашимова) Саида Нигмаджановна номига берилган М № 057103 (рўйхат рақами 06553) рақамли магистр дипломи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный государственный ордер № 00-21/14000 от 31.03.2003г. на право собственности на квартиру на имя Каримова Аваза Одиловича

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**


Пресс-тур

# ОЛАМШУМУЛ ЛОЙИҲАЛАР ҲАЙРАТИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Олмалиқ кон-металлургия комбинатига пресс-тур ташкил этилди.**

Дастлаб ОАВ вакиллари ва блогерлар комбинатнинг 70 йиллиги муносабати билан ташкил этилган музейни томоша қилишди. Мутахассислар томонидан кончилик тарихи, йиллар давомида турли тармоқларда олиб борилаётган ишлар ва эришилган натижалар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Шундан сўнг журналистлар комбинат технологик ишлаб чиқариш занжирининг бошланғич нуқтаси – Қалмоққир карьерда бўлишди.

Мазкур объект жуда қулай географик ва иқтисодий шароитга эга Олмалиқ-Ангрен саноат минтақасида жойлашган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, карьернинг қурилиши 1954 йилда бошланган, 1959 йил 1 июлда эса Қалмоққир конидан илк маротаба маъдан юкланди ва ўша вақтдан бери белгиланган башорат кўрсаткичлари мунтазам бажарилиб келинмоқда.

Журналистлар "Ёшлик-1" кони ва марказий таъмирлаш механика заводи фаолияти билан яқиндан танишиб, комбинатда ҳаётга татбиқ этилаётган оламшумул лойиҳалар аҳамияти ҳақида зарур маълумотларга эга бўлдилар.

Жараён

**Пандемия шароити бўлишига қарамай, Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорти борасида салмоқли натижалар қайд этиляпти.**

# ЭКСПОРТ ҲУДУДИ КЕНГАЙМОҚДА

ОКМК Металлургия хом ашёси билан таъминлаш ва сотиш бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, жорий йилнинг январь-июль ҳолатига кўра, комбинат томонидан 647 миллион 313 минг долларлик маҳсулот хорижлик ҳамкорларга жўнатилган. Режавий вазифа эса 141,4 фоизга уддаланган ҳолда, ўсиш суръати 163,3 фоизни ташкил этган. Июль ойида 98 миллион 857 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлиб, белгиланган режа 138 фоизга бажарилган.

Экспорт кўрсаткичи маҳсулотлар кесимида таҳлил қилинганда, ўтган етти ойда 55 минг 61 тонна мис ашёлари импортёрларга етказиб берилган. Хусусан, 45 минг 766 тонна мис катоди четга жўнатилган. 6 минг 188 тонна мис катанкаси экспорти амалга оширилган. Мис қувурлари экспорти йўналишида ҳам белгиланган режа ортиғи билан бажарилиб, 3 минг 107 тонна маҳсулот хорижлик ҳамкорларга юборилган.

Йилдан йилга тобора харидоргир бўлиб бораётган рух маҳсулотлари экспортида ҳам юқори натижалар кузатилгани қувонарли. Хусусан, январь-июль ҳолатига кўра, 39 минг 734 тонна ана шундай ашё экспорти амалга оширилган.

Нодир ва қимматбаҳо металлар, жумладан, рений экспортида 317,8 фоиз, кадмий экспортида 228,9 фоиз, молибден маҳсулотлари экспортида138,1 фоизлик натижа кузатилган.

Кимё саноатида муҳим аҳамият касб этувчи сульфат кислотаси экспорти режасининг бажарилиши бўйича 441,3 фоизлик натижа қайд этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хорижлик харидорларга ушбу маҳсулотдан ўтган даврда 57 минг 804 тонна етказиб берилган.

Комбинат томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорти географияси Туркия, Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон, Болгария, Озарбойжон, Қирғизистон, Украина, Польша, Тожикистон, Индонезия, Нидерландия, Хитой, Туркманистон, Афғонистон каби давлатларни қамраб олган.

**Абдулазиз МУСАЕВ**

